

ҲАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 ИЮЛЬ, ШАНБА

№ 128 (633)
1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистонда бошланган икки ойлик режасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган кунининг икки йиллигига бағишланган маданий тадбирлар белгиланган. Бу икки ойлик республика Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилмоқда. Иккундор жамоалар ёш мустақил давлат ҳаётидаги шу шонли асҳобга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Мустақиллик кун байрами миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий гуруртуйғус руҳида тарбиялаш белгиси остида ўтади, — деди республика Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий муассасалар илмий-услубий ларкази директорининг ўринбосари У. Тоҳиров. — Бу асҳобга зимманинг катта масъулият юклайди. Ёш байрамни муносиб кутиб олиш учун бор кучимизни сарфлашимиз керак. Республика Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Мустиқиллиги кунининг икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Маданият ишлари вазирлиги маданий тадбирларининг шу асҳобга тайёргарлик кўришга бағишланган республика кенгашининг ўтказди. Барча ташаббускор бадний жамоалар ўз репертуарларини янгилamoқда, халқ ижодиёти фестивалларида, танловларида, кўриқларида қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу жамоаларнинг энг яхшилари Тошкентда ўтадиган байрам тадбирларида қатнашади. Халқ ижодиёти республика маркази Тошкент Кино уйда фотоҳаваскорларнинг Мустиқиллик кунига бағишланган асарлари кўргазмасини, ташкил этмоқда. Халқлар дўстлиги саройида ҳаваскорлик жамоаларининг «Марҳаб, талантлар!» республика телевизион танлови ғолибларининг ақунловчи концерти бўлади.

Барча вилоятларда шонли воқеага бағишланган маданий тадбирларнинг қизқарли ва хилма-хил режалари тузилди. Бухорода «маданият орқали жаҳонга» хайрия санъат фестивалига тайёргарлик қизғин бормоқда. Унда Санкт-Петербург, Москвадан, МДХнинг бошқа шаҳарларидан келган меҳмонлар қатнашади. Ҳамма вилоятларда «Объективда — Ўзбекистон» фото кўргазмалари бўлади. Бухоронинг марказий ўйингоҳида катта театр байрами ўтказилади. Вилоят шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси шу кунларда ифодали ўқиш кўриқ-танловларида, халқ ижодиёти усталари асарлари кўргазмаларида бўлади. Бухоронинг марказий ўйингоҳида, маданий меросини сарлаб қолдиш учун радио марфониди, бошқа тадбирларда қатнашади. Шу кунларда республиканинг ҳамма вилоятларида Мустиқиллик байрамини бағишланган халқ ижодиёти кўриқлари, танловлар, фестиваллар, учрашувлар бошланмоқда. (ЎЗА мухбири).

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛЛ УИЛЬЯМ Ж. КЛИНТОН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!
Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни, барча Америка халқини тарихий Мустиқиллик кунини табриклаш имкониятидан бахтиёрман.

Биз Америка Қўшма Штатларининг буюк ютуқларга эга бўлган мамлакат сифатида ёш мустиқил давлатларга демократик анъаналар ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда бераётган техникавий ва инсонпарварлик ерданини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистон — жаҳон цивилизациясининг қадимий марказларидан бири — ўз маънавий қайта тикланишида чинакам озолиқ ва демократия қадриятларига интиломоқда. Истиқлолга эришган республикамиз ҳуқуқий ва дунёвий жаҳият қуриш, очиқ иқтисодиётни шакллантириш йўлидан бормоқда. Бунда биз бошқа мамлакатлар тажрибасига, жумладан, АҚШ давлат тараққиётига катта эътибор билан қарамоқдамиз. Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари

каби терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай шакллари билан кескин қораламоқда, халқаро келишмовчиликларнинг тинч-тотув йўл билан ҳал қилинишини қўллаб-қувватламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати халқаро мезонлар асосида мамлакатларимиз ўртасида дўстона, кенг ҳуқуқий ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш мудоасида эканини таъкидлашни истардим. Биз халқларимиз бир-бири билан яхшироқ танишиш, кенг қўлама билми, тажриба ва юқори даражадаги расмий делегациялар билан доний тарзда алмашиб туриш тарафдоримиз.

Америка халқига тараққиёт ва равнақ тилаб энг яхши истакларини йўлашдан ниҳоятда мамнуман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ҳар йили 4 июлни америкаликлар миллий байрам сифатида нишонлайдилар. Бу йил Америка Қўшма Штатлари мустиқилликка эришганига 217 йил бўлади. Байрам арафасида Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги факултетида ва мухтор элчиси жаноб Генри Лии Кларкин учрашувга тақлиф қилишди. Университет ўқитувчи ҳамда талабаларининг элчи билан учрашуви Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари байроқлари билан безатилган залда бошланди. Жаноб Генри Лии Кларкин мамлакат ўртасида ривожланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳусусида гапирди. Маълумки, Ўзбекистон Америка билан савдо-иқтисодий ва техник ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Айни пайтда 77 та Америка — Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Яқинда сармоя сарфлаш ва уни сугурталаш бўйича ўзаро шартномалар имзоланди. Сўбат чоғида университет талабалари Америка тарихини, тилини, маданиятини ва турмуш тарзини қай даражада қизиқиб ўрганётганликлари намоиш этдилар.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним манчм

«Халқ сўзи» ва ўз А
мухбирлари хабар
қиладилар

ТОШБУЛОҚ СЎЗНАСИННИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

«САТУРН» ширкатлар групини турки компанияси Тошбулоқ шаҳрида «Туратлас» қўшма корхонасини очди.

ШОЙИДАН жило берилган ўзбек сўзана-ларининг довуғи чет алларда ҳам машҳур бўлган. Ҳозир жаҳон бозорида бу маҳсулотга талаб катта эканлигини ҳисобга олган компания қўшма корхонада сўзана чиқаришни тез йўлга қўйди. Маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида бир гуруҳ сўзаначилар Туркияда малака ошириб келишди.

БРАКЧИ УЗ ҲИСОБИДАН ИШЛАЙДИ

НУКУС мебель фабрикаси маҳсулотларининг сифати кайинги пайтларда кескин ошди. Негал

ЧУНКИ, ҳозир ҳар бир маҳсулотга уни тайёрлаган устанинг тамғаси босилапти. Бинобарин, бирор маҳсулотга харидордан эътироз хати келса, тамгага қараб бракчи ким эканлиги аниқланади ва шу уста ўша ерга бериб, мебелнинг камчилигини ўз ҳисобидан тўрилади беради. Шу боис ҳозир корхона маҳсулотига нафакат Қорақалпоғистон савдо базалари, балки Шовот, Хазорасп, Урганч туманларидан ҳам буюртмалар келаяпти.

ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ, ДЕҲҚОНЛАР

БУ ЙИЛ Наманган амплоят дала-ларида галла ҳосили мўл бўлди.

ЭНДИГИ вазифа бу ризқ-рўзни тезроқ ўриб-яңиб олиш. Чунки, галладан бўшайдиган 20 минг тановча ерга илгари эътибор берилмай келинган кунжут, мош ва ясоқ экинларини июль ойининг иккинчи ярмида экиб улгуриш керак. Ҳозир Задарё, Наманган, Учқўрғон районларида галла ҳосили жадал йиғиштириб олинаяпти. Бошқа туманларнинг деҳқонлари ҳам отни қамчилашлари лозим.

ТОҒАЕВНИНГ УҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ

ГУЛИСТОН туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Шарофат Тоғоева бошланғич синфларда ўзбек тилини ўргатиш ўқув қўлланмасини яратди.

ТУМАН халқ таълими бу қўлланмани нашрдан чиқарди. Мутахассислар томонидан юқори баҳоланган қўлланмага ҳозир Мира-чўлдаги бошқа мактаблардан ҳам талабномалар тушулди.

ЙУЛТУСАРЛАРИНИНГ ЙУЛИ ТУСИЛДИ

ҚИРГУЛИ туманида йўловчиларини тўхта билан шўғулланиб келган ашаддий йўлтусарлар тўдаси қўлга олинди.

ҲУНАРЛАРИ оддий меҳнатчиларини со-вуқ қуроллар билан қўриқиб калтаклаш ва боб-булларини шилиб олиш бўлган жиноятчилар овлари бароридан келатганидан ақинийлашиб, одам ўлдиришгача бориб етдилар. Улар беаёв калтаклаган С. Теллерчук исмли йигит шифохонада жон берди.

Туман суди жиноятчи Т. Қосимов ва И. Ёқубовни 10 йилга, В. Нахмидинов ва З. Абдурахмоновни 7 йилга озодликдан маҳрум этди.

УН УЧ ЕШЛИ ШОҲМОТ УСТАСИ

САРИСОБИЛИК 13 йили Беғали Савдоининг шохмоот бўйича спорт устаси эканлигини қўччилик билмасе керак.

БЕҒАЛИ бошланғич синфда ўқиб юрган кезларидаёқ аявал туман, сўнг пилот мусо-бақаларида биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу йил эса у мана-ман деган шохмоотчи Леонид Масловни ҳам 25 дақиқа ичида мот қилди.

Еш шохмоотчининг ораси — шу йил бўл-диган жаҳон биринчилигида муваффақиятли иштирок этди. Сурхондарё «Шартнома-савдо» концерни Беғалининг сафари учун миллион сўм пул ажратди.

ЯНГИЛИКЛАР

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида улус олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказуви республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисини ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Бўлхашов муталов бошқарди.

Юбилейни байрам қилиш миллий ўзлигини, маънавият-ни тиклаш рамзига айланиши, буюк мутафаккир илмий ва маданий меросини тарғиб қилишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Мажлис қатнашчилари ҳуку-мат белгиланган ҳамда юбилей-ни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган Самарқанд, Бухоро, Ғажидувондаги Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига дахлдор меъморий обиделарини таъмирлашга доир тадбирларни амалга ошириш соҳасида бош-ланган ишларни таҳлил этди-лар. Мирзо Улуғбек номидаги халқаро мукофот ҳақида низо-м ишлаб чиқилди, унинг асарларини нашр этиш тара-дуди кўрилмоқда, олимнинг ижодий меросини ўрганишга

бағишланган халқаро анжуман ўтказиш режалаштирилмоқда. Тошкентда Мирзо Улуғбек ҳайкалини, унинг ҳаёти ва фао-лияти тўғрисидаги фильмин яратиш иши давом этмоқда. Эсдалик нишонини, почта мар-каси, турли ёдгорликлар ва бошқа буюмлар чиқариш бел-гиланмоқда.

Кенгашда Мирзо Улуғбек-нинг жаҳон фанига қўшган ҳис-саси таъкидланди. Олим ва мутафаккирнинг 600 йиллиги байрами халқаро кўлам касб этиши лозим.

Ташкилот комитетининг мажлисида Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қоробоев, Ўз-бекистон Республикаси Прези-дентининг давлат маслаҳатчиси Т. Ризиев иштирок этдилар.

(ЎЗА).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Китоб тумани ва шаҳар кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг Хоразм ва Қашқадарь вилоятлари фаоллари йиғилишида сузлаган мутқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Сессияда сузга чиққанлар республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиесати қўллаб-қувватланаётганини таъ-кидладилар.

(ЎЗА).

ЯНА ФАРМОНИ ОЛИЙ КЕРАКМИ?

ЯҚИНДА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА ТУРТ ЙИЛ ТУЛАДИ

ТИЛ муаммоси кўтарилган, қону қабул қилинган кезларини эсланг-а! Барча ташкилотлару корхоналар-да, йўқ юртлариди ўзбек тилини ўрганишга ҳамма-да иштиёқ кучли эди. Аксарият ташкилотлар ўқитувчи ёллаб тил ўрганиш тўғрисидаги ташкил этишди. Маш-гупотлар ярим йилча бинийидек борди. Заҳид ўқир биродарларимизнинг анчиси қисқа фурсатда сўзла-шишни ҳам ўрганиб олишди. Кейин-чи... Машгулотлар-нинг қандай ўтаётгани, самараси билан ҳеч ким қи-зикарди. Аста-секин иштиёқ сўнди, тўғрақларнинг ак-сарияти тугаб кетди.

Ҳадемай, республикамиз мустиқиллик эълон қил-ганига икки йил бўлади. Ҳўш, ҳозир ўзбек тилига муносабат қандай? Идораларда ишни давлат тилида юриятилаётгани! Яқинда мухбиримиз ана шу масала-ни ўрганиш ниятида жойлардаги аҳоли билан танишди.

ЭСИНГИЗДАМИ, Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги биринчи бўлиб давлат ти-лига ўттиш ташаббуси би-лан чиққайди. Шу боис ўрганишни дорихоналардан бошлашга жазм қилиди. Маҳаллий аҳоли энг яшай-диган даҳаларга йўл олади. Тошкент шаҳар дорин-дармон-лар ишлаб чиқариш бирлаш-масининг «Олимпик» даҳаси-даги 101-дорихонаси. На-заринида, бу идора ҳодим-лари ўзбек тили давлат ма-қомини олганидан беҳабар-га ўхшайдилар. Эшик тепа-сига осиб қўйилган тахта-чадаги ёзув сиеҳидан ун-чалик эски эмаслиги билиниб турибди. Офтоб тушса-да, хира тортимаган. Ҳар ҳо-да икки йил бурун эмас, яқинда битилган. Аммо

уч-тўртта жадвалини ҳисоб-га олмаганда, бу дорихона-да ҳали-бери ўзбекча иш юритилмасе керак.

Поликлиникалардан бе-жорларга берилган дори ко-гозларини сўрадик. Дори-хона мудири С. Иброҳимов бир даҳасини олдимизга қўйди. 10 июль кун 7-бола-лар поликлиникасидан М. Азимова, 2-руҳий-асаб ка-салликлари диспансеридан Н. Ломакина номига ёзил-ган дори қоргозларини кўр-ган киши уни кечанига тўлғизилганига ишонмайди. Наҳотки, поликлиника маъ-мурлари мустиқил давлат-нинг тили борлигини ҳаёл-ларига келтиришмасе?

Тушдан сўнг 150-дорихо-на эшигини қоқдик. Мухбир деган сўз ҳеч кимга ёмас-кан. Совуқ қарши олиш-ди. Котиба: «Мудир мол қабул қилаяптилар, кутинг-лар», — деди. Ичкарини ай-ландик. Бўлимлар иши би-лан танишинишга киришдик. Бироздан сўнг дорихона мудири Муҳаббат Магдие-ва бизни хонасига тақлиф қилди. Мақсадни айтдик. — Ўзбекчага ўтганимиз-га анча бўлди, — деди Му-ҳаббат опа ва иш юритиш ҳужжатларини олдимизга қўйди: — Кўриб, танишиб чиқинг.

Бўйруқ ва фармойишлар.

(Давоми 2-бетда).

ЯНА ФАРМОН ОЛИЙ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Варақаларни қўздан кечира бошладик. А. Икромов туманидаги 10-шифхонада, республика аллергия маркази, гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтларидан келган қозоқ, варақаларда ёзувларгина эмас, ҳатто штамп ва юмалоқ муҳрлардаги битиклар ҳам илгари қандай бўлса, шундайлигига турибди. Ҳатто, айримларида СССР, Ўзбекистон суларини ўқирин ҳам хаёлларига келмаган.

Эртаси кун 6-бирлашган болалар шифхонаси фаолияти билан танишдик. Маъмуриятга учрашмасдан олдин йўлакда ослган кўр-газмали йўлданмалар, тансинлар, санитария варақаларини кўздан кечирдик. Иккинчи тилда. Шунингча ҳам шунинг, Иккинчи йил бурун шу ҳам йўқ эди-ку. Бош шифхона Ақиди Содиқова шифхона фаолияти ҳақида гапирар кетди.

Муассасамиз 18 минг болага хизмат қилади. Уларнинг тенг ярим русий забони. Ҳар бирига бирон нарсани ўзбекчада тушутириш қанча вақтни олишини биласизми? Иккинчи тилда ёзиб қўйганимизнинг боиси ҳам шунда. Керакли нарсани ўзлари ўқиб олишди.

Бошқа шифхоналарни бил-мадими, аммо бизда касаллик варақаси, беморларни рўйхатга олиш, бўйруқлар давлат тилида олиб берилади. Танишди чиқишининг мумкин, — деди-да олди-мига папкаларни қўйди.

Учкунчи ёллалик десак, маблаг масаласида, — давом этди бош шифхона. — Шу боис ўзим, гоҳида мувоини ўзбек тили машғулотида ниват билан ўтказамиз. Ҳозир шунингча юз фоиз ўзбекчада тушутиришнинг иложи йўқ. Бунинг бизга боғлиқ бўлмаган томонлари кўп.

Масалан, 39-, 63-варақаларнинг ўзбек тилидамаслиги ҳам йўлмишга тўғаноқ бўлган.

— Бу варақалар қаерда тайёрланади?

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика хизматлари бошқармаси марказлашган ҳолда йўлга қўйиш керак. Балки йўлдан-гандир ҳам. Аммо ҳали биз-гача етиб келгани йўқ.

— 1-, 2-Тошкент Тиббиёт институтининг шифхоналари, хўжалик ҳисобидидаги шаҳар косметология, 17-шаҳар шифхонасидаги кўпроқ одамлар ўзбекча билган доридармон варақаларини келтиришарми?

— Деди Яқсаров туманидаги 1-дорихонанинг катта дорихонаси Сенаара Абдукаримова қўлимга бир даста қозғаларни тутказиб, — Мана қўлингизни мумкин. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Ҳозир ҳаракат қилмасак, биров бу ишни амалга оширмайди.

— Илгари илмий кенгаш мажлисларининг ўзбекча ўти-лиши тасаввур ҳам қилол-масдик. Сўнгги бир йил нидида ўнлаб докторлик,

номзодлик диссертациялари давлат тилида ҳимоя қилин-шунлиқ ва апрохияи ил-мий-тадқиқот институти ди-ректори муовини Иброҳим Турбонов. — Аммо бу иш янги муаммоларни келти-риб чиқарди. Масалан, ўзбекча стенографиячи йўқ. Мурожат қилгандик, ўз-бекча ёзилган бизда бўл-майди, деб жавоб қилишди. Ҳимоя жараёнида стено-грамма бўлиши шарт. Ҳо-зирча бу иш магнитфонга ёзиб олиб тайёрланапти. Бу жуда оғир. Доим шундай иш юритишга ҳеч кимнинг бардоши етмас керак.


Турпоновнинг со-ҳасини тўла давлат тилига ўтказишнинг йўллари изла-наётгани ахир?

Ҳа. Баъзи ишлар қи-линди ҳам. Аммо булар етарли эмас. Аввало, икти-сослашган луғатлар тайёр-лаб, чоп этиш лозим. Бу-ламча муҳасисаси атамалар-нинг ўзбекчасини тоғилмай бош қотириб ўтирарларди. Иккинчидан, замон талаби-га жавоб берадиган изохли луғатлар зарур. Ана шулар-ни амалга оширмай туриб, бутун бир соҳани бир тилдан иккинчисига ўтказиш осон эмас.

Рус тилида битилган кат-ларга шу тилда жавоб қи-лишмиш шарт. Бу борада кўпроқ республика Фан ва техника қўмитасига, Акаде-мии Президиумига ёлтироз-ларимиз кўп. Ҳар хил нара-да (форма)лар ҳамон эскича. Уларни ўзбекча тўлдир-иш мушкул. Бухгалтерия ҳисоб-китоби ҳам илгари қандай бўлса шундайлигига қола-пти. Чунки, юқори молия идораларининг ўзи бу борада ҳеч ўхшайди.

Хуллас, давлат тили бу тармоқда 60 фоиз атрофида қўлланаяпти, деган хулосага келидик. Бир паёнтар Ху-ронов шохи Хўсайн Бойқор мамлакат ҳудудига фақат туркий тилида битилган ҳуж-жатларгина қонуний кучга эга бўлиши ҳақида фармон чиқарган эди. Ҳиссадан ҳис-са қилиб шун айтиш керак-ки, тил тўғрисида қонун юқори идораларда қайта кў-риб чиқилмас, унинг шартлари замон талабига мослаб ўзгартирилмас, яна бир-икки йил нидида ўзбек тилига тўла ўтишиши муш-кулга ўхшайди. Русизабон халқ кўпроқ ишлайдиган Ўз-бекистон тўғрисидаги сана-ти машинасозлиги заводи, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, лойиҳалаш институтларининг аксарини, электр тармоқла-ри идоралари давлат тилида иш юритиш ҳақи йўлаб ҳам қўлланари йўқ. Кўпчи-лик идора раҳбарлари қо-ридан бўладиган фармони олийини кутаётганга ўхшай-дилар. Бу тоғиға раҳбарлар-га яна қайта айтиш керак, қо-нуни, фармон, фармойиш кўр-сатма — битта бўлади, ўзи-ни билган одам уни вақтида ижро этиши керак.

Исбатилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Янгийул нон маҳсулотлари» корхонаси жамоаси туман ва шаҳар аҳолисидаги нон маҳсулотлари билан таъминлашни ўзларининг вазифаси деб би-лишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхона жамоаси халққа режалашган бир ярим тонна кўп маҳсулот етказиб бердилар.

Янгида корхонада ермишлар ишлаб чиқаради-ган янги линия ишга тушди. Обинов ишлаб чиқ-арадиган чех қурмиша тайёрларки қўрилади. СУРАТЛАРДА: 1. «Янгийул нон маҳсулотлари» корхонаси директори Ҳ. Аҳмадҷаев (ўнгда) ва нон заводи директори Маҳмуд Аҳмадовлар вер-

мишел цехида маҳсулот сифатини текширмоқ-да. 2. Дўконларга жўматилган иссиққима нонлар тайёр.

Ф. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ЁЛҒОН ХАБАРЛАР ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ЕКИ РОССИЯ ГАЗЕТАЛАРИДАГИ БАЪЗИ МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИШ ЖАРАЁНИДА ТУҒИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Россиянинг ахборот денгизида ўзини мустақил деб ҳисобловчи йўлбарз янги нашрлар пайдо бўлди. Улар ўзлари учун «жува кўла» бўлган шарт-шароитда эркин ҳаракат қилмоқдалар.

Матбуот ҳозирча соёқ-иттифок ҳудудидида қўлаб тўсиқ ва чеклашлардан ҳо-ли қолган ягона ижтимоий институт ҳисобланади. У ҳа-мон аввалги ҳудудларда ҳаракат қилиб бу ердаги во-қеаларни ёритиб бормоқда. Муаллифлар берилаётган ах-борот учун масъулиятдан му-тлақо ўзларини соқит қи-лмоқдалар. Бошқа давлатнинг фуқароси бўла туриб, бошқа бир мустақил давлат ҳаётига аралаш-иш уларга касб бўлиб қолди. Россия матбуоти эркинлиги нашрлар расмий ёки норас-мийлиги, давлатники ёки мухолифлиги кучларини, баъзан тижорат тизимлари-га ёки бирор миллиардерлар бўйсунмиш характери билан белгиланади. Миллиардер-лар жамиятдаги ўрнини му-стақамлаш мақсидида ўз га-зеталарини нашр қила бошладилар ёки ўз манфа-атларини баъзи редакция-ларга сингдириш мақсиди-да бир гуруҳ муаллифларни ўз қарамонларига олишди.

Шу боис кўпгина обрўли ва эътиборга давогар нашр-лар ҳам ўзларининг барқа-ров ҳолатидан чиқиб, буз-гунчилик характеридаги ҳа-ракатларга йўл қўймоқдалар.

Муқовалардаги «эркин» деган декларацияга қара-масдан кўпгина матбуот нашрлари биз ўйлаганча-лик мустақил эмаслар. Оми-мавий ахборот воситалари ҳа-миша маълум сийёсий кучларнинг голларини омма-га сингдирувчи куч эди ва ҳа-мон шундай бўлиб қолмоқда. Фирқимизнинг ча-ли қилинаётган етакчи на-шрларнинг йўналишининг та-ҳлилини келтирамиз. Уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Бир қанотда «Из-вестия» ва телевидение, бо-шқа бир қанотда «Правда» ва «Советская Россия» бо-шчилигида мухолифлар на-шрлар туради. «Труда» ва

«Комсомольская правда» э-са нисбатан «ўрталықда». Москвалик баъзи муал-лифлар ўзларининг бизнинг ер-имиз, халқимизни ва биз қандай яшашини керагу, кимларни ҳўрмат қилиши-миз кераклигини ўзини-дан ҳам «яхши билишди-рини» даъво қилмоқдалар. Баъзилар бизда демократия йўқ деб ҳисобламоқдалар. Айримлар эса СССРга қайтмаслигимиздан хафа бўлмоқдалар. Шунинг та-қидлаш лозимки, кўпгина муаллифлар осийча, мусул-манча фамилиялар соясига бекиниб олишган. Тўғри, улар орасида «Ўзбекиз-никлар» ҳам бор. Масалан, Ғарб матбуотини ватани-миз ҳақидаги уйдирмалар билан таъминлаб турган «мустақил» журналист Ан-вар Усмоновнинг олиб қўрай-лиқ. Ававал у Тошкентда тур-иб мамлакатимизни шай-ини бўлмаган бўлса, ҳозир ҳудуд шу иш билан чет эл-да шуғулланмоқда.

Бундай ҳаракатлар дои-мий характериға эға. Бизга ва қўшиларимизга виждо-ни нопок, заҳарли қалам тутган эмиссарлар ҳам ю-берилиб турибди. Ёки Москва-даги биздек «хафа» одам-ларга махсус бюрютмалар бериляпти. Бундайлар «ях-шини» бул тўлдирча ҳам керак. Бу иш кимсаларга ватанпарварлик, тугилиб ў-сган ери, халқининг обрў-эътибори қуруқ тап, холос.

Уйдирмалар Москва ах-борот «ошхонасида» қандай тайёрланишига янгида та-дбир қил қарамоқ бўлди. Ўзбекистон бўйича машҳур «мутахассис» известица-ни Вижутович яна бир ёлғон-ни ёйишга уриниб қўрди. У Тошкентдаги немиш маданият марказининг раҳбари Т. Келла-ла мамлакатимизда не-миш аҳолисининг оғир ҳа-ёти, уларнинг ҳуқуқлари че-кланилаётганлиги ҳусуси-даги материалларни бериш-

ни бюрютма қилди. У бу сафар қаттиқ янглишган эди. Ватанпарвар ва ҳалол инсон Т. Екел республика-миз матбуоти орқали унга муносиб жавоб қайтарди. Га-зета орқали провокация қи-лишга, устаси фаранг Вижу-тович бу сафар роса янглиш-ди! Уни вақтининг ўзи шо-ширган қўрилади. Чунки ушунда Президентимиз Ис-лом Каримовнинг Герма-нияга сафари яқинлашай-ган эди. «Известия» му-ваффақиятли ривожланиб бораётган ўзбек-герман му-носабатларига ана шу муҳим воқеа арафасида раҳна со-лишга ҳаракат қилиб қўр-ди.

АҚШнинг совет ахуди-ларини ҳимоя қилиш ке-ғашлари бирлашмасининг фаолларидан бири, моск-валик журналист Дубов Ўз-бекистонга қарши қаратил-ган бир неча мақолалар эълон қилди. Тошкентдаги ахуди-лар маданият мар-казининг қатор аъзолари Дубовнинг миллатларар-е тотувлиққа қарши ҳара-катларини ўз жамоалари ор-қали қаттиқ қоралаб чиқ-ди. Натияжада бу «арбоб» халқро ва Россия ахуди-лар ташкилотларининг зар-басига учради.

Сўнгги вақтларгача ма-қолалар бир гуруҳ жур-налистлар фамилияси ёки тахаллуслари билан чиқар эди. Энди воқеалар иккинчи бо-сқичга кўчган қўрилади. Бу ишга мисёс кичикроқ бў-лса, раъсий кишилар ҳам аралаша бошлашди.

13 май кун «Независи-мая газетада» «Осёе газ-и Ғарбга боради» деган ма-қола босилди. Унинг муалли-фи Россия ташқи иқтисод-ий алоқалар вазирлиги хо-димлари В. Юртаев ва А. Шестаковдир. Ушбу мақо-ла мазмунини тўлиқ кел-тириб ўтирмаймиз. Унинг асосий мағзи инкор қилиб бўлмас фактлар асосида чиққан чинади. Мақолада «Қозонистон ва Ўрта Осёе мусулмон республикалари» гўёки, «этник яқинлик асо-сида Марказий Осёе реги-онал иттифоқига» бири-

қай бир программаси Ўзе-бекистон давлат делегация-сининг ГФРга расмий са-фарини кенг ва ҳолис ёри-тиди? Германия жамоатчи-лигининг Ўзбекистоннинг му-стақил ривожланиш йўли-даги бош тамойилига бер-ган юқори баҳосини қай бири эслатиб ўтиди? Улар-дан ҳеч бири Г. Колнинг Ислом Каримовдек кучли ва ёрқин давлат бошлиғи билан танишганлигидан жу-даям хурсандлиги ҳақида-ги сўзларини тилга олмади.

Ҳар бир ўзбекистонлик ўз юртобосини билан фахр-ланса арзийди. Унинг сая-ҳатларини натижаида бизнинг кўп миллатли дав-латимизнинг халқро обрў-эътибори тобора ошиб бор-моқда. Янгида Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқро кон-ференцияда Ислом Каримов Осёедаги буюк давлат ар-боблари қаторида тилга олинди. Буни халқимиз би-либ қўйгани маъқул.

Ўзбекистон халқининг катта ижодий имконият-ларини ўғотиш ва ўзлигини англашти вақти келди. Биз Ватанимиз шайини му-носиб ҳимоя қилиб, унинг маънавий, маданият ва та-рихий бойлиқларини дунё кўзи олдида кенгроқ намо-ён қилишимиз керак.

Биз учун бугунги кунда-ги энг асосий вазифа му-стақиллигини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Қолган барча нарсалар иккинчи даража-лидир. Чунки эркин инсон ҳеч қачон бахтли бўла ол-майди. Бу ҳақиқатини бар-чамиз чуқур англашимиз лозим.

Республикамиз фуқаро-лари қалбидида Ўзбекистон-лик деган олий миллий туй-ғунини, гурурнин уйғотмасдан туриб, янги жамият қуриш вазифаларини тўлиқ ҳал қила олмаймиз. Бунинг учун Ўзбекистон оммавий ах-борот воситалари, зиёлилар, журналистлар, бутун билим ва маҳоратларини ишга со-либ, аниқ мақсидни қўлаб-йишлардан дариқиб қол-мас.

А. АЗИЗҲУЖАЕВ,
хуқуқшунослик фанлари доктори.

Иқтисодий ислохот қирралари

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР...

Иқтисодий ислохотларнинг шунданми шарҳида жойлашган Когон шаҳарда 34 мингдан зиёд аҳоли яшайди.

Шаҳар ҳокимлиги қара-моғида 4090 та квартира бор. Шундан 689 хонадон ў-зининг бепул хусусийлашти-ришга бўлар ўқитишлар, пра-кчалар ва бошқалар. Рес-публикамиз Президентининг фармонида сўнг 1122 хона-дон ишаб турган уйнинг ху-сусийлаштирилган. Бу эса ша-ҳар ҳокимлигига қарашли уйларнинг тақминан 30 фо-нини ташкил этади.

Ишнинг бундай бо-риши ўзимизни ҳам ра-қиблаштирмайди, — дейди шаҳар ҳокимининг ўрин-босари, уй-жойларни ху-су-сийлаштириш бўйича комис-сия раиси С. Бақоев.

Ҳозир биз аҳоли орасида тушутириш ишлари олиб бораёламиз. Илгари керак-но керак ҳужжатларни талаб қиларди, одамларни қий-наб қўйган эканмиз. Энди ишни осонлаштирдик. Бизга уй-жойдан фойдаланиш бў-лими (ЖЭК)дан маълумот-нома, ордер на арзиза билан мурожаат қилинса ёки, қол-ган ишларни ўзини бажари-миз.

С. Бақоевнинг гапиди жон бор, албатта. Дарҳақиқат, уй-жойларни хусусийлашти-ришда одамлар набидада узоқ туриб қолмасликлари учун катта йўлакнинг уч-тўрт жойида арзиза қабул қи-линапти. Лойиҳалаш ине-титуту билан ҳажмдорликда барча уйларнинг нархи ол-диндан чиқарилиб, эълолар тахтасига олиб қўйилган.

Нархи ҳам унчалик бала-нд эмас. Уй қанчалик эски бўлса, шунчалик арзон. Ма-салан, 80 йилларда қурил-ган уч-тўрт хонали кварти-ралар 10—15 минг сўм ат-рофида. Шу ўринда маҳал-лий ҳокимият шунчалик жон қўйдираётган экан, нега ай-римлар уй-жойини хусусий-лаштиришдан бош тортша-пти, деган савол туғилиши табиий.

Албатта, бунинг сабаблари ҳар хил. Республика Вази-рлар Маҳкамасининг хусусий уй-жойларни сотишни ла-қ-тинчалик тўхтатиб туриш ҳақидаги фармонидан сўнг айримлар ўйланиб қолди.

Давлатдан уйни сотиб ол-са-ку, эртага биронга сотиш имкониятига эга бўлмас... Ўйлашнинг ҳолати йўқ.

Когон аҳолисининг иш-и евро-паликлар. Уларнинг ай-римлари квартиранинг давлат-дан арзонлигига олиб, ўн-ўн беш бававар қимматига со-тиб, ўз юртига кетганлиги ҳам сир эмас. Худди ана шу ҳолатда кеч қўйилганлигидан сўнг ишчилар қолдики: эртага ўз юртимизга кети-дан бўлса, берган пулимиз-га қўйиб қолмайми?

Айрим кишиларнинг уй-жойини хусусийлаштириш иш-и оғли равишда истамаётган-лиги ҳам маълум. Бекора-ти шун саволининг нима ҳо-жа-ти бор? Барбери уйи мен-диндан тортиб олишолмайди, деган тушунча уларнинг ми-н.

Бундай қўйилиб қолган. Бун-дай кишилар ҳамма нарсига ўзини ҳўжайинсан, уйнинг эгаси ўзинсан, деган ту-шунчани миясига сингдира олишолмапти. Республика-миз Президентини И. А. Ка-римовнинг жон қўйдириб қи-лаётган хайрли ишларини тўғри илгаллаштириш, акинча-да, асосий ишга халақит бе-ришарми.

Елғиз ўзи қолган меҳнат фахрийлари ва касалманд кишиларнинг айримлари ҳам ўзлари яшаб турган уйни хусусийлаштиришда шоши-лишмайпти: аввал уйимиз-ни таъмирлаб беринг, кейин хусусийлаштирамиз. Албат-та, уларнинг гапиди жон бор. Бу масалани тегишли ташкилотлар ижобий ҳал қилиши лозим.

Бозор иқтисоди шаронти-да қийналаётган ёки унинг моҳиятини тўғри англаб олишмаётган кишилар йўқ эмас, учраб туради. Айниқ-ча, ҳозирги иқтисодий қийин пайтда уларни тўғри йўлга солиш, уларга ердан бериш ҳар биримизнинг бурчимиз-дир. Чунки эртага кеч бў-либ қолиши мумкин.

Одамларнинг уй-жойини хусусийлаштиришнинг иста-маётганлигининг сабаби кўп экан. Айримлар бунинг оғли равишда истамади, ай-римларнинг имконияти йўқ. Маҳаллий ҳокимият вакил-лари қўли қўлга бериб ту-шунтириш ишлари олиб бормоғи, имконияти йўқлар-га ердан қўрсатмоғи лозим.

Вали БОБОМУРОДОВ.

Қадриятларимиз

Янгида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги факултетада ва мутор элчиси жаноб Далип Мехта Ўзбекистон халқ расмони Абдулҳак Абдуллаев хонадонига та-шир эди. Элчи жанобларига рағбаси Нандам Мех-та хоним, қизи Мандав Мехта, Ҳиндистон элчи-сининг маданият ишлари аттешеси ва иккинчи котиби Рамеш Чандра жанобларни ҳамроҳ бўлдилар. Мехталарнинг мусавир ҳузурига Ўзбекистон Рес-публикаси ташқи маданият алоқалар жамияти ра-исининг биринчи ўринбосари Суръат Мирқосимов, «Нафосата ойнасининг бош муҳаррири, профессор Тиллаб Маҳмудовлар кузатиб бердилар.

Далип Мехта жаноблари Ўзбекистонда элчи сифатида ўзини фойланиш бошлаганига уч ойдан ошди. Бироқ шу қисқа вақт ичидида ўлжамининг ҳо-ли элчи ҳаёти, тарихи, мада-нияти билан қизиқиб танишди. Бир неча йирик шаҳарлари-мизни бориб қўрди. Тарих, маданият музейларида бўлди. Элчи ўзбек халқининг йирик ижтимоий, сийёсий ва маданият арбоблари билан бевоасита му-лоқот масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Машҳур расом билан учрашув ана шу ниятининг илк амалий қа-дамидир.

Ҳиндистон элчиси Абдулҳак Абдуллаев ҳузурида меҳмон бўлишининг бошқа бир му-ҳим сабаби ҳам бор. Гап шундаки, бу мусавирнинг ҳаёти ва ижодида хинд ўлка-си салмоқли ўрин тутди.

1957 йили Абдулҳак Абдуллаев совет Иттифоқининг бир гуруҳ элчи раис-сомлари билан Ҳиндистонга уч ой мудатлик ижодий са-фар қилди. Улар Дехли, Жапур, Агра ва бошқа ша-ҳарларда бўлдилар. Мамла-катнинг йирик сийёсий ва ма-даният намоёндалариди, туб аҳоли вакиллари билан қиз-карли учрашувлар уюштирил-ди. Ҳиндистон маъзунида асарлар яратилар. Абдулҳак Абдуллаевнинг хонадонини дав-роларда ўша тарихий кун-ларини ўзида акс эттирган кўпгина фотосуратлар, му-саавир мўкаламга мансуб Жаҳохарлаел Неру, Индира Гандининг портретлари осий-

Рассом ўша сафардан ке-йин Ҳиндистонга яна беш ойга борди, шаҳар ва қиш-лоқларини кезди, бу мамла-катнинг манзараси, ўлмас тарихий обиделарини ва хинд халқининг алоҳида секри-

узгача унинг руҳий олами бойлиқларидан бўлиб келмоқ-да.

Далип Мехта жаноблари бу тўғрисида эшитган, расом бузурида меҳмон бўлиб, хинд ўзи ҳамда асарлари билан танишишга қарор қи-лди. Ниҳоят, мана, учрашди-лар.

Абдулҳак Абдуллаев хона-донини шунчаки бошана эмас, балки ўзига хос бир савъат мўзғин, расом асарларининг доимий кўргазма маскани, бу дароғининг йўлқиларидан тортиб ҳар бир қонисига ки-рар эканис, расом ҳаёти-нинг турли деқадларини ўзида муҳрлаган оқ-қора су-ратларга, мусавир яратган портрет-асарларга, давора-рини у-бу жойларига оқ қозғоларга кўчириб қадалган турли сийёсий арбоблар, фай-ласуфлар, мусавирлар ва бошқа мутафаккир инсон-ларнинг ҳиматли сўзлари.

рувчи «Қизалоқ» тасвири чуқур таассурот қолдирди. Сўнг бир пайла оқ устида сўзга мулоқот, қизқарли сўхбат бошланди. Далип Мех-та жаноблари бу хонадонга ташир қилиб, Ҳиндистонга алоҳида муқаббат-ла яшашган аҳолий бир инсон ва савъат-роқ билан танишганидан ман-дун бўлганлигини изҳор эт-ди. У расом маҳоратига тан-берди, айниқса унинг асарла-рида инсон кўзлари тоғида тири, теран ва тақорланмас меҳнотлар билан акс этганлиги-ни, худди шу ниҳоллар чеҳра-ларга ўзига хос руҳ ва поэ-зия бегишлаганлигини, улар эса қоларли, унутилмас экан-лигини алоҳида таъкидлади. Рассом илқ таассуротлари учун меҳмонга миннатдорчи-лик билдириб, бир воқеани эследи. 1957 йилги Ҳинди-стон сафари тугаган, уларни кузатишчилар орасида Ҳин-дистонлик таниқли расом

Калев ўз рағбисига билан бў-лган экан. Калев меҳмон расомлар олиб келган асар-лар билан танишди. Аб-дулҳак Абдуллаевнинг «Она» портрети қаршисига асир бў-либ, узоқ туриб қолди. Маълум бўлишича, Калевнинг ониси яқинидаги ҳаёт-дан кўз юмган экан. «Менинг онамга жуғдам ўшар экан», дебди хинд расмони кўзла-рига аш қилиб.

— Бунини эшитиб, мён ҳам таъсирландим, — дейди Аб-дулҳак ака. — Ва Калевни ҳуҷоғимга узоқ босиб, унга инсоний ҳамдардликни из-ҳор этдим.

— Ҳа, Сиз чизган она пор-трети жамини оналарга хос эгзу хусусиятларини ўзида меҳмон мусавасалантириш билан ажрелиб туради, — де-ди элчи.

Далип Мехта жаноблари умуман ўзбек тасвири санъатида портрет жанрига қизиқиб анча кучли экан-лигини ва бу жанрда сало-ҳият алоҳида кўзга ташлениб турлини таъкидлади. Шу баҳона, Туркистон зами-нидаги тасвирий санъатнинг тарихи, аънавлари, ўтиш-ида инсон тасвирини кўра китоб беэаш, ҳаётотлик, қи-лқам тасвир, наққошлиқ, ўймакорлик каби турлар кенг-риков тоғланлиги, ўзбек тас-вирий санъатида реалистик санъатнинг тақомиллашу Оварпо санъатининг мактаби катта ўрин тутишини, ҳақиқий мил-лий руҳ ва истаъдоларнинг уйғонилиши бу мактабнинг та-сири унутилмаслиги керак-лиги, умуман Шарк ва Ғарб маданияти ҳамкорлиги ва алоқаларининг ўзига хос жи-ратлари сўхбатда алоҳида мавзулар бўлди.

Учрашув сўнгиде элчи рас-омга ўз соғаларини таъ-ширди. Абдулҳак Абдуллаев эса Ҳиндистон элчиси Далип Мехта жанобларига ўзи иш-ла-гани Алишер Навоий портре-тининг репродукциясини со-ға қўйидаги сўзлар ёзилган «Орағига» акин хинд дўстларини эсдалик учун, Абдулҳак.

Михил САФАРОВ.

Жаҳон 24 соат ичида



POLO

KING SIZE FILTER

Бизнинг Ўзбекистондаги савдо агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД" фирмалари ҳамда "Фрия" фирмаси.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент, Катта Миробод кўчаси, 158 (Ивлев, 67), Табани групп оф.компаниз.

Телефонлар: (3712) 32-35-53, 54-06-70, 54-07-98, 55-35-49
Факс: (3712) 54-08-30
Телекс: 116416 TBANI, SU.

бошқарувчиси Аббосов

Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!

ВИЗ ЧЕКМАЙДИГАНЛАРНИ ЧЕКИШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚЧИ ЭМАСМИЗ. ЛЕКИН ЧЕКУВЧИЛАР СИФАТЛИ «П О Л О» СИГАРЕТЛАРИНИ ЧЕКИШЛАРИНИ ХОҲЛАЙМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 1993/94 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Инглиз, немис, француз, испан, рус филологияси, чет тили, рус тили ва адабиёти.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

Чет тили.
Кундузги факультетларда ўқийдиган талабалар ўзлари ўрганаётган асосий тилдан ташқари гарб ёки шарқ тилларидан бирини иккинчи мутахассислик сифатида эгал-лайдилар.

Хужжатлар 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади. Абитурентлар учун консултациялар 25 июндан 25 июлгача ўтказилади.

Ректор номига ёзилган ариза билан университетнинг қабул комиссиясига қуйидаги хужжатлар топширилади:

— ўрта ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги хуж-жат (асл нусхаси);

— 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси;

— 3x4 см ўлчамли 6 та фотосурат.

Булардан ташқари ишлаб чиқаришда ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчир-ма тақдим этадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги хужжат шахсан кўрсатилади.

Ижодий имтиҳонлар қуйидаги мутахассисликлар бўй-ча мувофиқ предметлардан ягона кўп бадлик баҳолаш тизими асосида 16 июндан 22 июлгача университетда қабул қилинади.

Инглиз, немис, француз филологияси мутахассислик-лари бўйича кирувчилар чет тили ва она тилидан, рус филологиясида — она тили ва иккинчи тилдан тест синовлари топширадилар.

Инглиз, немис ва француз тиллари мутахассислигига кирувчилар учун тест синовлари қуйидаги предметлар бўйича бўлиб ўтказилади: чет тили, она тили ва ик-тинчи тил.

Рус тили ва адабиёти мутахассислигига кирувчилар учун — она тили ва иккинчи тил.

Умумтаълим фанлар бўйича тест синовлари Ўзбеки-стон Республикаси талаба танлов маркази томонидан иш-дан ажралмаган ҳолда (кечки) ўқиш шаклига киришда 26 июлда, кундузги бўлимга — 31 июлда бир кунда бў-либ ўтади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўшмадаги олий ўқув юрталарига талабалар қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан абитурентларни ижодий имтиҳонлар ва тест синовларида тўплаган балла-ри асосида ўтказилади.

Университетга талабалар Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «1993/94 ўқув йилида Ўзбекистон Рес-публикаси олий ўқув юрталарининг биринчи курсларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом» асосида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700110, Тошкент шаҳри, Решетов номидаги кўча, 4-уй.

Маълумот учун телефон 75-93-11.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент ҳисоб-бухгалтерлик техникуми 1993—1994 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқув-чилар қабул қилади:

I. Кундузги бўлим

1. Халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили. Ўқиш муда-дати 1 йилу 10 ой.

2. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаш-тириш. Ўқиш мuddати 1 йилу 10 ой.

3. Банк иши.

Ўқиш мuddати 2 йилу 6 ой.
Ариза ва хужжатлар 1 июндан 15 августгача қабул қи-линади.

II. Сиртки бўлим

1. Халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.

2. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаш-тириш.

Ўқиш мuddати 2 йилу 10 ой.
Ариза ва хужжатлар кундузги ва сиртки бўлимларга

15 августгача фақат ўрта маълумотлилардан қабул қили-нади.
Кириш имтиҳонлари: ўзбек тили — диктант, матема-тика — оғзаки.

Қуйидаги хужжатлар топширилади:

1. Ариза.

2. Маълумоти ҳақида гувоҳноманинг асли.

3. Соғлиги ҳақида 086/У шаклидаги тиббий маълумот-нома.

4. 3x4 ўлчамли 6 та сурат.

5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртки бўлим учун).
Кундузги бўлимдаги ўқувчилар ётоқхона билан таъ-минланади.

Техникум манзили: 700209.

Тошкент шаҳри, Сирғали — 3, 49 уй.

Автобуслар: 38, 40, 58, 75, 39, 98.

Тролейбуслар: 15, 19.

Сирғали-3 бекати.

Телефонлар: 57-26-98, 57-26-88.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ 1993—1994 ЎҚУВ ЙИЛИГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

I. Кундузги бўлимга қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

1. Қурилиш иқтисодиёти ва режалаштириш;

2. Қурилишда тижорат фаолияти;

3. Бино ва иншоотларни электромеханик ускуналардан ва автоматик жиҳозлардан фойдаланиш;

4. Жамоат ва турар-жой бинолар меъморчилиги;

5. Бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш;

6. Темир-бетон қурилмалари ва қурилиш маҳсулотла-рини ишлаб чиқариш;

7. Ички иситиш ва сув билан таъминлаш шахобчалари-ни йиғиш.

II. Сиртки бўлимга қуйидаги мутахассисликлар бўйича:

1. Қурилиш иқтисодиёти ва режалаштириш;

2. Бино ва иншоотларни қуриш ва фойдаланиш;

3. Темир-бетон қурилмалари ва қурилиш маҳсулотла-рини ишлаб чиқариш;

4. Ички иситиш ва сув билан таъминлаш шахобчала-рини йиғиш.

Коллежга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Ўзбек (рус) тилидан — ёзма (диктант);

2. Математика — оғзаки;

3. Расм (меъморчилик мутахассислигига кирувчилар учун).

Ўқишга кирувчилар кириш имтиҳонларини ўзбек (дав-лат) ёки рус тилида топшириши мумкин.

Коллежга кирувчилар директор номига ариза ёзиб, аризага қуйидаги хужжатларни қўшиб топширадилар:

Ўрта маълумот ҳақидаги хужжатнинг асли, соғлиги ҳа-қида 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; 3x4 см. ўлчамли 6 та фотосурат; маъмурият томонидан тасдиқ-ланган меҳнат (колхозчи) дафтарчасидан кўчирма (иш

станига эга булганлар ҳамда сиртки бўлимга кирувчи-лар учун); паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳа-қидаги хужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар 15 августгача қабул қилинади. Бошқа ша-ҳарлар келиб кундузги бўлимга кирувчилар имконияти борича ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Наво-ий кўчаси, 32-уй.

Ўзбекистон Давлат теле-радиокомпанияси жамоаси республика радиосининг «Ах-борот» Бош муҳарририяти халқаро масалалар бўйича шарҳловчиси М. Саидхоно-вага отаси

Шокиржон САИДХОНОВ-нинг вафот этганлиги муноса-бати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат теле-радиокомпанияси жамоаси кекса журналисти

Абдулла ҲАҲАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари-га ҳамдардлик изҳор эта-ди.

«Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси физика техника институти жамоаси катта илмий ходим Н. Саидхоновага отаси

Шокир САИДХОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия тиб-биёт институти жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор Х. Султоновага онаси

Робия ҚАЙУМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Навбатчи муҳаррир — А. Суюнов, навбатчи — В. Норбоев.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:

маълумот учун 33-07-48;

эълонлар бўлими 32-09-25.

Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ-ДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Алек-сандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИ-РОВ, Мухаммадхон ҚОРАБОВЕВ, Саидхорр ҲУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП

Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.